

HUQUQ

46

(361)

YURIDIK GAZETA

Noyabr

D.	1	8	15	22	29
S.	2	9	16	23	30
Ch.	3	10	17	24	
P.	4	11	18	25	
J.	5	12	19	26	
Sh.	6	13	20	27	
Y.	7	14	21	28	

2004

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ E-mail: Info@huquq.uz

ТАЙИНЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 11 ноябрдаги буйруғи билан Тўйчибой Хайталиев Сурхондарё вилоят прокурори лавозимига тайинланди.



Тўйчибой Хайталиев 1951 йил 1 февралда Сирдарё вилоятида тугилган. Миллати ўзбек. Маълумоти олий. 1978 йилда Тошкент Давлат университетининг юридик факультетини тугатган.

Тўйчибой Хайталиев меҳнат фаолиятини 1967 йилда Сирдарё вилоятининг Ховос тумани «Ховос» хўжалигида ишчиликдан бошлаган. 1976-79 йилларда Сирдарё вилоят судида суд мажлиси котиби, Оқолтин тумани нотариуси лавозимларида ишлаган.

1979 йилда прокуратура тизимига ишга ўтган ва Сирдарё вилоят прокуратураси тергов бўлими прокурори, Ш.Рашидов туман прокуратураси терговчиси, вилоят прокуратурасида тергов бўлими бошлигининг ўринбосари, Меҳнатобод туман прокурори, Сирдарё туманлараро прокурори, вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, Жиззах вилоят прокурорининг ўринбосари-тергов бошқармасининг бошлиғи, Жиззах вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари лавозимларида ишлаб келган.

UCHRASHUV

ХУЖАТЛАР—ТАРИХ КЎЗҒУСИ

Республика Бош прокуратурасида Олий Мажлис ҳузуридаги Ўзбекистондан четга олиб кетилган ва халқ бойлиғи бўлган архив ҳужжатларини қайтариб олиб келиш бўйича махсус комиссияси раиси, Олий Мажлис депутати Незъматулло Иброҳимов ҳамда мазкур комиссия аъзоси, профессор Зоҳидулло Мунавваров билан учрашув бўлиб ўтди.

Меҳмонлар прокурор-тергов ходимларига комиссия фаолияти, ватанимиз ва халқимиз тарихи, маданияти ва маънавияти учун катта аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар, манбалар, санъат асарлари, маданий ашёларнинг қайси мамлакатларда сақланаётганлиги, уларни олиб келиш учун комиссия томонидан қандай ишлар олиб борилаётгани ҳақида қисқача маълумот берди.

Учрашув қизгин савол-жавоблар, баҳс-мунозаралар руҳида ўтди.



26 ДЕКАБР — САЙЛОВЛАР КУНИ

Конституциямизнинг 117-моддасига мувофиқ, 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эга. Яъни, баалоғат ёшига етиши билан ҳар бир юрtdошимиз сайлаш ҳуқуқини қўлга киритади.

Агар жамиятлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, сайлаш ҳуқуқининг инсон ҳуқуқлари ичида нечоғли муҳим ва аҳамиятли эканига ғувоҳ бўламиз. Бугун, мамлакатимизда Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси учун сайловолди кампанияси давом этаётган бир пайтда халқимиз яна бир бор демократия, инсон ҳуқуқлари, сайлаш ҳуқуқига қандай қарашларини ахтаришни аниқлаб, ҳис этиб турибди. Бу гапни сайловларнинг олдингиларидан-да муҳим ва эътиборли томони шундаки, юртимизда илк бор икки палатали парламент сайловлари бўлиб ўтди. мустакил Ўзбекистонда икки палатали парламент пойдевори қўйилди.

Мана шу жараёнда ёшларимиз сайловлар, унинг мамлакат истиқболдаги ўрни, сайлаш ҳуқуқининг ўзига яраша масъулиятли жиҳатларини қай даражада тушуниб етмоқда. Ёшлар янги парламентни қандай тасаввур қилишади, парламентдан нималарни кўтишади? Шу каби саволлар билан илк бора сайлаш ҳуқуқини қўлга киритган ёшларимизга мурожаат қилдик.

САЙЛОВЛАРДА ИЛК БОРА

Элмурод НИШОНОВ, Низомий номидаги педагогика университети қошидаги лицей ўқувчиси:

— Мен 26 декабрь куни биринчи марта сайлаш ҳуқуқимдан фойдаланман. Шу куни мен биринчи марта сайлов участкасида бўламан, сайлов бюллетенини кўраман. Сайловда ўз овозимни бераман. Бу албатта жудааям завқли ва ҳаяжонли бўлса керак.

Менинг фикримча, сайловлар ҳеч қачон номигагина ўтказилиши керак эмас. Чунки сайланган депутатлар давлатимизнинг қонунларини ишлаб чиқишади. Бу жудааям катта масъулият. Масъулиятли вазифаларга эса фақат муносиб одамлар сайланиши керак.

Тўғри келган номзодга овоз бериш учун сайлов участкасига бориб келиш даври ўтди. Ҳар бир сайловчи ўзи овоз бераётган номзодни депутатликка муносиб деб билганидан кейингина унга овоз бериши керак.

Янги парламентда шундай қонунлар ишлаб чиқилсинки, улар биз ёшларнинг, умуман барча ватандошларимизнинг эркин ва фаровон яшашини учун хизмат қилсин.

(Давоми 3-бетда).

Сиз турсангиз яшнаб

турфа либосда,

Товланасиз товусдай

ҳар нафасда

Қўшни қизлар

термулишар ҳавасда,

Чаман бўлар юрган

кўча-кўйингиз.

Остонаси тилло

бўлсин уйингиз.



ХАВАР

ХАЙЪАТ МАЖЛИСЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасининг навбатдаги кенгайтирилган хайъат мажлисида қишлоқ хўжалиғига оид қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг аҳволи муҳокама қилинди.

Кун тартибидagi масала бўйича Республика прокурори Х.Ҳалимов маъруза қилиб, «Қишлоқ хўжалиғида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармондан келиб чиқадиган вазифаларга тўхталди.

Мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг «2005 йил ҳосили учун шудгорлашни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга доир масалалар муҳокама қилинди.

Утган ҳафтада Андижон вилоят прокуратураси хайъатининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда аграр соҳадаги қонун, фармон ва қарорлар асосида қишлоқ хўжалиғида ислохотларнинг бориши, 2004 йил пахта ҳосилининг йиғиштириб олинishi, шартномаларнинг бажарилиши ҳамда келгуси йил ҳосилига тайёргарликнинг бориши тармоқ мутасаддилари иштирокида қўриб чиқилди.

Шунингдек, Хоразм вилоят прокуратурасида ҳам кенгайтирилган хайъат мажлиси бўлиб, уни вилоят прокурори Д.Исроилов бошқарди. Мажлисида вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи К.Нурметовнинг «Ви-

лоятда 2004 йил пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш яқунлари, шартномаларни бажариш аҳволи ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 4 ноябрдаги «2005 йил ҳосили учун шудгорлашни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақида»ги ахбороти тингланди.

Вилоятда бу борада Қўшқўпир, Гурлан, Урганч, Янгибозор туманларида аҳвол талаб даражасида эмаслиги таъкидланди.

Мажлисида вилоят ҳокими И.Божонов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Наманган вилоят прокуратурасининг кенгайтирилган хайъат мажлиси бўлиб ўтди. Унда шаҳар, туман

прокурорлари ва ҳокимлари, вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари раҳбарлари ҳамда қишлоқ хўжалиғи билан боғлиқ идоралар бошлиқлари иштирок этдилар.

Йиғилишда «Қишлоқ хўжалиғида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармон ижроси муҳокама этилди.

Вилоятда мазкур фармон қишлоқ хўжалиғи соҳасида ислохотларни жадаллаштиришнинг муҳим омил бўлмоқда. Тармоқда олдинги йилларга нисбатан эришилган ютуқлар буни тасдиқлаб турибди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «2005 йил ҳосили учун шудгорлашни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори

ижросини таъминлаш ва бу борадаги қонунбузилишларнинг олдини олиш чоралари ҳам белгилаб олинди.

Сурхондарё вилоят прокуратурасида кенгайтирилган хайъат мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил пахта ҳосили учун тузилган шартномаларнинг бажарилишига бағишланган йиғилишидан келиб чиқадиган вазифаларни белгилаш, шунингдек «Қишлоқ хўжалиғида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармон ҳамда коммунал тўловлар ва нақд пул тушуми билан боғлиқ масалалар ва бу борадаги прокурор назоратининг аҳволи муҳокама этилди.

OBUNA — 2005

«Qonun himosasida» birlashgan shaxrriyatini «Qonun himosasida» jurnali va «Huquq» gazetasi uchun 2005 yilning eng faol obunachilari


ТАНЛОВНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ



— энг яхши обуна ташкилотчисига битта телевизор



— энг яхши обуна кўрсаткичига эга бўлган почта ёки матбуот тарқатиш ташкилотига битта телевизор



— энг фаол жамоатчи обуна ташкилотчиси (фуқаролар, меҳнат жамоалари, тадбиркорлар, фермерлар)га битта видеомагнитофон



— энг фаол обуна ташкилотчиси бўлган почтачига битта велосипед

«**HUQUQ**» ИЙ маслаҳатхона

E-mail: Info@huquq.uz

133-26-62, 133-10-53

? SHIKOYAT QILISHGA KIM HAQLI?

Фуқаро суд жараёнида иштирок этмаган бўлса ҳам шу суд қарори юзасидан шикоят қилишга ҳақлими?

R.LATIPOVA,
Farg'ona viloyati

Бундай ҳуқуқ суд процессида ким сифатида (даъвогар ёки жавобгар) иштирок этишингизга боғлиқ. Олий Суд Пленумининг 1998 йил 28 декабрдаги «Фуқароларнинг суд ишларига доир мунозаараларни кўриб чиқиш амалиёти тўғрисида»ги 31-сонли қарорининг 4-пунктида айтилишича, суд мажлисида қатнашмаган шахслар ҳам, башарти суд ишлари ва ҳужжатлари уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига бирор бир тарзда дахлдор бўлса, улар юзасидан мунозаарат қилишга ҳақлидир.

«Хар бир фуқаро сайловчилар рўйхатидаги хато ёки ноаниқлик тўғрисида участка сайлов комиссиясига арз қилиши мумкин. Участка сайлов комиссияси 24 соат ичида бундай аризани кўриб чиқини ва хатоли ёки ноаниқликни бартараф этиши ёхуд аризаچига унинг аризаси рад этилганлиги тўғрисида асосланган жавоб бериши шарт. Сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракати ва қарори устидан қонуна белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин».

(«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 34-моддаси)

? QAERDA OVOZ BERISHIM MUMKIN?

Турмуш ўртоғим ҳарбий хизматчи. Шу сабабли ҳам доим бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юришимизга тўғри келади. Ҳозирги иш жойига келишга икки ой бўлди. Яқинда сайловлар ўтказилади. Агар биз сайловчи сифатида иштирок этаётган бўлсак, қайси жойда овоз беришимиз керак?

Z.ORTIQOVA,
Termiz shahri

Ҳозирги яшаш жойингиз ҳарбий қисм ичида жойлашган бўлса, қисм командири томонидан тузиладиган сайловчилар рўйхати асосида сайлов участкаларида овоз беришингиз мумкин. Лекин астикомат жойингиз ҳарбий қисмдан ташқарида бўлса, унда ўша турар жой бўйича умумий асосларда сайловчилар рўйхатига киритиласиз.

? SUDLANGAN HISOBLANADIMI?

Амалдаги «Жиноят кодексининг 79-моддаси бўйича бир неча савол билан мунозаарат этмоқчиман:

1. Шахс озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб бўлгач, унга маъмурий ёки ишчилик тўғрисида қўлланилмаган бўлса, ушбу кодекснинг 78-моддасида назарда тутилган муддатларнинг камиди ярмини ўтагандан кейин унинг судланганлиги суд томонидан қандай олиб ташланади? Судья қандай ҳужжат қабул қилади?
2. Судланувчига жарима жазоси белгиланган бўлса, ушбу жазо ўтаб бўлганидан сўнг судланганлиги олиб ташлаш учун судья аям чикарадим ёки маълумотнома берадимиз?
3. Шартли жазо ёки ахлоқ тузатиш ишлари белгиланган шахсларга нисбатан суд томонидан амнистия акти қўлланилса, улар судланган ҳисобланадими?
4. Судья судланганликнинг олиб ташланганлиги тўғрисида ИИБ ахборот марказига қандай ҳужжат юборади?

S.TOJIMATOV,
Jizzax viloyati, Do'stlik shahri

Судланганликнинг олиб ташланиши учун ЖКнинг 79-моддасида белгиланган тартибга мувофиқ равишда жамоат бирлашмаси, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи, жамоа ёки жазони ўтаб бўлган шахсининг ўзи судга шу тўғрисида ариза билан мунозаарат этиши лозим. Судья ишни ўрганиб чиққач, ушбу шахсдан судланганликни олиб ташлаш ҳақида ахрим чикаради ва унинг нусхаси ИИБ ахборот марказига юборилади. Жарима жазоси бўйича ҳам судланганлик шу тартибда кўриб чиқилиб, ахрим чикарिलाди. Авф этиш ёки амнистия актига кўра жазодан озод қилинган шахслар эса судланган ҳисобланмайди (ЖКнинг 79-моддаси).

? ARIZAMGA QACHON JAVOB OLAMAN?

Мен Ўзбекистон телерадиокомпаниясига ўтган ойнинг бошида ариза билан мунозаарат этгандим. Қонунда бир ой ичида ариза муаллифига жавоб бериш лозимлиги айтилган. Лекин бир ойдан ошса ҳам ҳалғача жавоб ололмаганим йўқ. Бу қонун бузилиши ҳисобланадими?

O.MATKARIMOV,
Qibray tumani

Буни қонун бузилиши эканлигини билиш учун аввало бунинг сабабини аниқлаш лозим. Агар аризангизни почта орқали юборган бўлсангиз, у келиб тушмагандир.

«Фуқароларнинг мунозааратлари тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддасида сиз айтгандек мунозаарат этувчига бир ойлик муддат ичида жавоб йўлланishi белгиланган. Бироқ, ушбу мунозаарат қўшимча ўрганиши ёки текшириши ёхуд бошқа чоралар кўриши талаб этиш, тегишли давлат органининг раҳбари томонидан бир ойга узайтирилиши мумкин. Бу ҳақда муаллифга хабар қилинади. Лекин шундай бўлса-да, бу хабар юқориди айтайтилганидек, баъзи сабаблар туфайли сизга етиб келмаган бўлиши ҳам мумкин.

? O'G'RIGA JAZO QANCHA?

Ўзимга тегишли бўлган фирма фаолиятини кенгайтириш ниятида қўшимча ер сотиб олиб, қурилиш ишлари олиб бораётгандим. Бу жой аҳоли яшаш пунктида жойлашганлиги сабабли шу ерда туташ ҳовлида яшовчи қўшнидан қоровул сифатида фойдаланиб келаётгандим. Лекин у ишончлини суиистеъмоқ қилиб қурилиш материалларини оз-оздан ўғирлаб келаётган экан. Бунинг аввал ҳам сезиб, уни огоҳлантирдим. Лекин ҳалоса чиқармай, ишнинг давом эттиравергач милицияга топширдим. Аммо унга жиноят иши эмас, маъмурий иш кўзгатиб, ишни судга оширишди. Шу тўғрисида? Суд бу ишни қанча вақт ичида кўриб чиқиши ва ўғрига қандай жазо белгиласи мумкин?

Z.BAHROMOV,
Chilonzor tumani

Бундай ҳолатда содир этилган ўғирликни жиноий ёки маъмурий деб топишда ўғирланган мулкнинг миқдори (қиймати) муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун ҳам қўшнингизга маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш кўзгатишга бўлса керак.

МЖКнинг 61-моддасида белгиланишича, талон-тарожқилинган мол-мулкнинг қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан ошмаса, у оз миқдордаги талон-тарож деб ҳисобланади. Худди шу модданинг 1-қисмида назарда тутилган қилмиш содир этилса, энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан ошган бўлганда, у бараваригача жарима солинади. Агар бу ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, энг кам иш ҳақининг уч бараваридан ошган бўлганда, у бараваригача миқдорда жарима солинади. Бундай ишлар одатда шу илгга оид материаллар олинган кундан бошлаб беш кун ичида кўриб чиқилади.

? SUD QARORINI BAJARMASA...

Мен «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Самарқанд минтақавий филиалида бош муҳандис вазифасида ишлардим. Лекин шу йилнинг 3 март кунини мен билан тузилган меҳнат шартномаси қонунга хилоф равишда бекор қилинган эди. Жорий йилнинг 15 октябр кунини фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг апелляция судида ишим кўриб чиқилиб, ҳуқуқим тикланди. Бироқ, ҳурсандчиликим узоққа чўзилмади. Чунки ҳозирги банк бошқаруви раиси суд қарорини бажармайди. Суд қарорини бажармаганлик учун қандай жавобгарлик бор?

Sh.TEMIROV,
Samarqand viloyati

Бундай қилмиш учун амалдаги қонунчиликда жиноий жавобгарликка тортишгача жазо чоралари назарда тутилган. Хусусан, ЖКнинг 232-моддасида айтилишича, мансабдор шахс суд ёки судьянинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ахрими ёки қарорини қасдан бажармаса ёхуд уларнинг бажарилишига тўсқинлик қилса, ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуддан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилишгача бўлган жазо чоралари кўрилиши мумкин. Муайян ҳуқуддан маҳрум қилиш деганда эса, айбдор суд тайинланган муддат давомида суд ҳужжатига белгиланган мансабларни эгаллаши ёки шу билан боғлиқ фаолият билан шугулланишининг тақиқлаб қўйилиши тушунилади.

Фуқаролик ҳуқуқлари процессуал қонулар ёки шартномада белгиланган қўйилганидек, ишлар қайси судга тааллуқли бўлишига қараб, суд, ҳўжалик суди ёки ҳолселар суди томонидан ҳимоя қилинади. Қонунда назарда тутилган ҳолатлардаги фуқаролик ҳуқуқлари маъмурий тартибда ҳимоя қилинади. Маъмурий тартибда қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилини мумкин.

«Фуқаролик кодексининг 10-моддаси

? JAZONI O'TAMASA NIMA BO'LADI?

Суд ҳужми билан жазо тариқасида жарима тўлаш чораси белгиланган бўлса, уни тўлаш шарт бўлмаган шахс дастаб бир қисмини тўлаб, қолган қисмини тўламай қочиб юрса, унга қандай жазо қўлланилади?

Sh.TOLIPOVA,
O'zMU talabasi

Агар айбдор жаримани уч ой мобайнида тўлашдан бўйин товласа, суд жариманинг тўланмаган миқдорини ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш ёки қамоқ жазоси билан алмаштиришга ҳақли. ЖКнинг 44-моддасига мувофиқ, жарима ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклаш жазосига алмаштирилганда, ушбу жазоларнинг ҳар бири оиди энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдоридидаги жаримага тенглаштирилиб, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади. Қамонинг ҳар бири оиди эса, энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари миқдоридидаги жаримага тенглаштирилиб, олти ойдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади.

? MEROSXO'R BO'LMASA...

Мен 1974 йили Аҳмедов Усмонжонга турмушга чиққан эдим. У билан 29 йил бирга яшадик. Лекин ўртада фарзанд бўлмади. Утган йили у вафот этди. Турмуш ўртоғим билан бирга яшаган пайтда етмиш беш миң сўм пул жамғариб, Қорасу шахар халқ банкиса қўйиб, бир-биримизнинг номимизга васият қилгандик. У вақтларда нотариусга бориб васиятнома тасдиқланмасди. Шунинг учун васиятнома нотариусга бериб тасдиқланмаган. Турмуш ўртоғим вафот этгач, ушбу пулни олгани банкга борсам 6 ойдан кейин келинг дейишди. 6 ойдан кейин эса нотариусга боришимни айтишди. Нотариусга мунозаарат қилсам, у никоҳларингиз қайд этилмаган экан, васиятнома ҳақиқий эмас, деди. Турмуш ўртоғимнинг аввалги хотинидан икки нафар фарзанди бор. Аммо улар ҳозир оилали бўлиб кетишган. Улар отасидан хабар олишмасди, ҳатто у ўлганида ҳам келишмади. Лекин отасининг омонатига даъво қилишгани йўқ. Масалани ҳал қилиш учун фуқаролик судига мунозаарат қилсам, нотариусга бериб ўша ерда турмуш ўртоғимизнинг фарзандлари билан келишиб олинг деди. Нима қилишни билмай қолдим. Шу масалада маслаҳат беришингизни сўрайман.

O'Imasov YULBOYEVA,
Qorasuv shahri

Васиятнинг нотариал тасдиқланмаган ва омонат сизнинг номингизда бўлмаса, унда қонун бўйича меросхўр бўлишга ҳақли эмассиз. Чунки, «Фуқаролик кодекси» талабига кўра, сиз мерос олишга ҳақли бўлган шахслар доирасига кирмайсиз. Масалани ҳал этишининг ягона йўли — бу турмуш ўртоғингизнинг фарзандлари билан келишиш. Агар улар рози бўлишмаса, жамғарилган пулдан улуш олиб бериш хусусида судга мунозаарат этишингиз мумкин.

Саволларга Республика Бош прокуратураси бўлими прокурори М.ТУРАЕВ жавоб бери

XXI ASR MO'JIZALARI

ЭХ, БУ УЯЛИ ТЕЛЕФОНЛАР...

БИР КИШИГА БИР ЯРИМТА

Кейинги вақтда уяли телефонлар севимли буюмларимиздан бирига айланди. Корея, Япония сериалларини кўриб негадир у ерда уяли телефон кўп деган фикрга келгандик. Аммо ундай эмас экан. Дунёдаги энг кўп телефон аҳоли жон бошига ҳисоблаганда Европадаги митти давлат Лихтенштейнда мавжуд экан. Бу мамлакатда киши бошига бир ярымтадан телефон тўри келади. Аммо тиниб-тинчимас аяллардан кўндан кўнга уяли телефонларнинг ангадиган янги турларини ўйлаб чиқаришмоқда. Масалан, яқиндагина кунчиқар давлат кашфиётчилари мобил телефон фабрикаларини оригинал янгилик билан ҳурсанд этишди.

ИККИ ТАРАФЛАМА ЭКРАН

Япониянинг ELDiS компанияси икки тарафлама OLED-экран иختиро қилишди. Унинг иши органик ёруғлик тарқатувчи диодларда муржабсам. Экран асосан мобил телефонларига мўлжалланган, деб ёзади Straits Times. Бу техника мўъжизаси эгалари терминалга ҳам олд ҳам орқа томондан қарашлари мумкин. Кашфиёт ҳар йили Токиода ўтадиган текис дисплейлар кўргазмасида намоиш этилади. Янги экран жавоб вақтининг қисқалиғи ва ёруғлик нурланишининг камроқ ютилиши билан ажралиб туради.

ҲАМ КАЛИТ, ҲАМ ЧИПТА, ҲАМ ТЕЛЕФОН

Аммо кейинги ихтирони айтадиган бўлсак, ҳайратдан оғзингиз очилиб қолади. Эринмаган японлар бир вақтнинг ўзиде уйингизнинг калити, йўл чиптаси ва ҳамён ролини бажарадиган телефон ишлаб чиқишди. Бунақа телефонни кунчиқар ўлканинг «Эн-ти-ти докомо» номи йирик компанияси ўйлаб чиқарди. Аппарат маълумотларни сақлаш, қайта ишловчи интеграл схемалар билан жиҳозланган. Янги телефонга хизмат кўрсатишга турли соҳаларни бошқарувчи 39 компания рози бўлди. Улар орасида куну тур ишлайдиган «Эйэм-пиэм» дўконлар тизими ҳам бор. Телефон эгаси бирор нарса харид қиладиган бўлса, факатгина телефонни касса аппарати яқинидаги датчикка яқинлаштирса кифоя.

Шунга ўхшаш хизматни «Жей-Ар Хигаси Ниппон» темирйўл ком-

панияси ҳам таклиф қилмоқда. Бекатдаги турикетга телефонни яқинлаштирасиз ва поездга чиқиб кетаверасиз. Янги телефон тизимини кўчмас мулк билан савдо қилувчи «Кокунэй симпан» ва «Хаякава» компаниялари ҳам қўллаб-қувватлашмоқда. Уй эшигига эгасининг телефонидан жойлашган шахсий коднинг танийдиган электрон мослама ўрналади. Мабодо телефон йўқолса ҳам катта фалокат эмас. Уни топиб ёки ўғирлаб олган одам махсус ПИН-кодни билиши лозим, ундан сўнг бармоқ изларини ҳам текшириб кўради. «Эн-ти-ти» тўрт турдаги телефон аппаратларини сотува чиқарди, дея хабар қилади ИТАР-ТААС.

БУНИСИ КЎРЛАР УЧУН

Испан ихтирочилари ўзларини японияликлардан асло қолишмасликларини кўрсатди. Испаниянинг «Owasus» компанияси ўз мамлакатда кўзи оғизлар ва яхши кўрмайдиганлар учун биринчи уяли телефони сойтишни бошлади.

Телефон уч ой ичида Британия бозорларида ҳам пайдо бўлади. Мақсуд телефонни ишлаб чиқиш жараёнида ихтирочилар телефондан фойдаланувчи ҳисобланган кишилар билан доимий маслаҳатда бўлиб туради. Телефонда тушунарли сабабга кўра дисплей йўқ. Бунинг ўрнига овозли буйруқлар ўрин олган.

Тугмани босиш билан овозда қайсиниси босилгани хабар бериб турилади. Янги телефон ёрдамида матнли хабарларни жўнатиш мумкин, шунингдек кўнгиноқ қилганларнинг номи ва телефон рақами ҳам товуш орқали билдирилади. Аммо бу қўлай телефон оз эмас кўп эмас, 430 доллар туради.

«ЯНГИ РУСЛАРГА ГАП ЙУҚ»

Нега дейсизми? Янги русларнинг янги телефони ҳақида эшитсангиз бунга амин бўласиз. Финляндиянинг телекоммуникацион воеиталар ва телефон ишлаб чиқарувчи Nokia компаниясининг Буюк

Британиядаги шўъбаси Vertu Россияда телефон сойтишни йўлга қўйди. Vertu телефон аппаратларининг люкс табақасани ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Бу алоқа воситаси қўлда йигилади ва сариқ, оқ тилла, платина ва сапфирли ойна билан жиҳозланади.

Россияда Vertu Signature ва Vertu Ascent моделлари сотилади. Уларнинг нархи 3850 евродан 36.785 еврогача. Ascent телефонларида Liquidmetal металл қотишмаси ишлатилган. Трубкалар GSM 900/1900 стандартига мослаштирилган. Аммо Россияда энг кўп тарқалган стандарт GSM 900/1800 ҳисоб-

ланади. Дистрибутор вакилининг айтишича, ҳозирча телефон эгаларидан шикоят тушмаган. Янги телефоннинг ички тузилиши Nokia телефониға ўхшасанда, баъзи жойларида ўзгаришлар бор. Vertu Signature ва Vertu Ascent аппаратларида махсус, клавиш бўлиб унинг ёрдамида кечаю кундуз хизмат кўрсатадиган Vertu Concierge хизматиға улашиш мумкин. Vertu Concierge хизмати аввалига текин бўлса-да, бир йилдан сўнг ундан фойдаланиш учун истеймолчи йилги 500 евро тўлаши керак.

Компаниянинг Россиядаги илк дистрибутори уяли телефонлар билан савдо қилувчи дўконлар тизими «Евросет» бўлди. «Евросет» менеджери Татьяна Гуляванинг айтишича, бу моделлар қимматбахо швейцар соатларидек бозоргир бўлмоқда.

ЭХТИЁТ БЎЛИНГ, ВИРУС!

Орзулар осмониде учиб юрган мобил ишқибозларини бироз оғоҳлантириб қўймоқчимиз. Чунки энди вируслар мобил телефонларға ҳам ҳужум қилмоқда. Компьютерларни вирус билан «касалантиришдан» зериккан шахслар охири русумдаги мураккаб дастурли уяли телефонларға ўтишди. Вируслар қайси телефон учун хавфли деган саволға мутахассислар «фақат энг ақлли

каби машҳур фирмалар ишлаб чиқаради. — Вирус «қуртлари»нинг аллақачон унга яқин турлари тарқалган. Бу вирус чўнтак компьютерини ҳам зарарлаши мумкин, — дея маълумот берди «Спектрский лабораторияси» ахборот хизмати бошлиғи Денис Зенкин.

Ҳозирча телефон вируси унчалик ҳам эмас. Sim-картани ишдан чиқармайди, бўлмағур сайтлардан маълумот жўнатмайди. Битта кўрқатадиган жиҳати, Сабиг номи вирус экранға «Caribe» деган ёзувини чиқаравериб асабини бузади ва бу ҳам етмагандек, шу ёзувини бошқа қимматбахо «уйинчоқ» ишқибозларига ҳам жўнатади.

— Вирусларнинг синов дастури бўлиб, худди шундай оддий дастурлардан компьютер вируслари келиб чиққанди, — дейди Денис Зенкин. — Ҳозир эса ана шу вируслар миллион долларларни ҳавога суюрляпти. Мутахассислар кенг қўламли вирусли ҳужумлар кутилишини башорат қилишмоқда. Аммо агар сиз ҳалиям эскигина, оддий уяли телефон билан юрган бўлсангиз асло хавотир олманг. — Оддий мобил телефонидан кўркмасдан кўнгиноқ қилишингиз, WAP протоколи орқали Интернетға киришингиз мумкин. У вируслардан ишончли ҳимояланган, — дейди Д. Зенкин.

ЖАҲОН БОЗОРИДА НИМА ГАП?

Юқорида фақат хорижликларнинг қизиқиши ҳақида гапирдик. Энди эса «мобил» телефонларнинг жаҳон бозоридеги ўрни қай даражада эканлигини бироз таҳлил этсак.

IDNнинг мобил телефонларининг жаҳон бозори бўйича берган ҳисоботиға кўра, 2004 йилнинг 1 кварталинда телефон дастакларининг сотилиш миқдори 152,7 миллион донаға етди. Бу эса 2003 йилдагиға нисбатан 29,3 фоизға ортик деганидир. Ҳисоботларға кўра, 2004 йил охириға келиб мобил телефонларидан фойдаланувчилар сони 1,5 миллиардға етар экан. Телефон сотилиши эса 595 миллионға етади.

Мобил телефонларини сотиш бўйича Nokia фирмаси биринчи ўринда туради. У 2004 йилнинг 1 кварталининг ўзида 447000 мобил сотган. Смартфон-



моделлар — смартфонлар учун» дей жавоб беришди. Бу моделлари Nokia, Siemens, Sony Ericsson

МИЯ РАКИ ВА ЯНА...

Дарҳақиқат, уяли телефонларға борган сари талаб кўпайиб боришмоқда. Яқин ўн йилларда юртимизда ҳам мобил телефонлари ҳар бир кишининг қўндалик эҳтиёж моллари қаторидан ўрин олиши эҳтимолли бор. Аммо ҳар яхшининг бир ёмони бор, деганларидек, бу севимли матоҳ инсон организмиде қандай таъсир кўрсатиши ҳақида негадир кам ўйлангиз.

Уяли телефонларни ҳаддан ортик ишлатиш инсон миясининг муддатидан олдин қаришиға олиб келади, дейишмоқда швед олимлари. Британия матбуотининг вазишича, мақсуд тадқиқотлар Лунда университетиде профессор Лейф Салфорд бошчилигида ўтказилди.

Олим: «Инсон миясиға кучли таъсир ўтказётган бу телефонлардан фойдаланиши инсоният устидан ўтказилган энг йирик тажриба», деб баҳолади. Салфорднинг тажрибалари микротўқинларнинг қондаги оксиллар ва мияға бўлган муносабатиға бағишланган.


Илгарироқ бир қанча тадқиқотчилар уяли телефон ва мия раки касалликлари алоқаларини ўрганишган ва бу турли мулоҳазаларға олиб келган эди. Оқибатда телефон ишлаб чиқарувчи компаниялар Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотидан бу хилдаги тадқиқотларға маблағ ажратмаслик шартини қўйишган эди.

Салфорд гуруҳи 15 йил давомида телефоннинг инсон организмиде нисбатан бошқача таъсирини ўрганишган эди, лекин микротўқин таъсирида мияға албумин оксилларининг ҳам киришини кашф этишди. Жаноб Салфорд бу ўта хавфли, чунки 30 ёшидаёқ 60 ёшли кишидек қариётган одамларни учратиб қолишимиз мумкин, деган фикрини билдирди.

Олим тажриба натижалари анча олдинроқ аниқ бўлгани, лекин уни оммаға етказиш учун ўзида куч топа олманганини айтган экан, баъзида телефон инсон умрини қўтқариши ҳам мумкинлигини қўшиб қўйди.

Нима ҳам дердик, техниканин ҳар қанча зиёни бўлса-да, қўлайлиғи учун ундан воз кеча олмаймиз. Аксинча, у аллақачон қўндалик ҳаётимизнинг муҳим бир қисмиға айланиб улгурди. Яхши-ёмон жиҳати борасида баҳслар давом эса этаверадим...

Соҳиба ХАЙИТБӨВЕВА тайёрлади



JURNALNING YANGI SONI

«Qonun himoyasida» jurnali nafaqat yuridik, ayni poytda ommaobop nashr ham hisoblanadi. Shu bomsdan keyingi vaqtda taхрират ijodiy jamoasi хукукий mavzuda маҳорат билан қалам тебратаётган фаол муаллифлари ўз теварағига бирлаштиришга астойдил интиломда. Бундан қўзланган мақсад журналнинг мазмун ва мундарижасини янада яхшилаш, ўқувчиларимизнинг хукукий саводхонлигини оширишга яқиндан қўмаклашишдир.

Ўқувчиларимиз фаол муаллифлар билан ҳамкорлигимиз қандай натижалар бераётганлигини журналнинг 9-сонида чоп этилган материалларни мутолаа қилиб баҳолаш имкониятига эга.



Яқин

ҳамкор ва қўмакчимиз

Ушбу сонда шу йил 26 декабрда бўлиб ўтадиган сайловларга бағишланган материалларга кен ўрин берилганлиги бежиз эмас. Негаки, ҳар бир фўқаро бўлажак сайловларнинг мамлакат, жамият ва ўзининг тақдирини қандай аҳамиятга эга эғанглигини англаб етиши мўҳим. Бунинг учун эса сайлов тўғрисидаги қонунларни мунтазам ўқиборганниш, қонунчиликдаги янгиликлардан хабардор бўлиб бориш, сайлов ҳуқуқлари тўғрисидаги биллимлارни бойитиш кони фойда. Шу маънода Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-хўқўқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоиловнинг «Икки

палатали парламент истиқболлари», Республика Бош прокуратурасининг бўлима бошлиғи И.Жасимовнинг «Олий Мажлис сенатининг шаклланиши ва фаолият кўрсатиш тартиби», Давлат ва жамият қурилиш академияси докторанти Х.Рўметовнинг «Сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг сайловолди фаолияти» мақоаллари муштарийларимиз учун керакли бўлган долзарб материаллар сирасига кирлади. Нашримизнинг мазкур сони турли жанр ва мавзудаги ранг-баранг материаллар қамраб олинганлиги билан ажралиб туради. Мавзулар-

ни танлашда тахрират кенг журналхонлар оммасининг қизиқиши ва тақлифларини инобатга олмақда. Жумладан, ушбу сонда Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазири Р.Қосимовни сўхбатга чорлавдик. Мўҳибиримизнинг қизиқарли саволларига батафсил жавабларни «Олий таълим — тараққиёт таянчи» деб номланган сўхбатдан ўқиб билиб олишингиз мўкин. Шунингдек, ушбу сонда Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иньомова ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Т.Танирбергенов билан сўхбатлар ҳам эълон қилинган. Ҳар иккала сўхбатда қўллаб қизилқарли маълумотлар берилган. «Тикодаги қон» суд очерки кўпчи-

лининг эътиборини тортади деб ўйлаймиз. Очеркин ўқиб, бунга ўзиниқ шшонх қисил қилишингиз мўкин. Агар сизни «тарихимизнинг ўқилмаган саҳифалари» қизиқтирсин, тадиққотчи Н.Топилдиевнинг шу рўқндаги мақоласини ўқини тавсия этамиз. Ушбу сонда илмий-назарий мақоалалардан ташқари ижтимоий, бадиий, публицистик материаллар ҳам ўрин берилган. Хуллас, қизиқарли мақоалаларни танлаб мутолаа қилиш имконияти ўқувчиларимизнинг ўзларига ҳавола. Бахтиёр НАЗАРОВ, «Qonun himoyasida» муҳбири

BARHAYOT SIYMOLAR

БЕТАКРОР САНАЪАТ СОҲИБИ



«Маҳаллада дув-дув гап» фильмини кўрмаганлар бўлмаса керак. Ўзбек кино санъатининг даҳолари қатнашган ушбу фильм яратилганига бир неча ўн йиллар бўлган бўлса-да ҳали ҳам ўз қадрини йўқотгани йўқ. Уни қанча кўрсангиз кам. Қайтариб бераверингиз ҳам медангизга урмайд.

Ушбу фильм ҳақида батафсил тўхталиб ўтмоқчи эмасмиз. Фақат фильмнинг асосий қаҳрамони — Пошшахон образини қойлмақом ижро этган Марям Ёқубованинг ҳаёт йўлига тўхталмоқчимиз, холос.

Марям Ёқубова кишиларга олам-олам қувонч баҳшида этган бетакрор санъат соҳибки эди. Ҳаётда домн жўшқин, интилуванчон бўлган актёр театр ва кинода ҳаммаси бўлиб бир юзу битта ролни маромига етказиб ижро этди. Театрда 74 та спектаклда қатнашиб, 85 та қаҳрамон образини яратди. Баъзида шундай вазиятлар бўлдики, бир спектаклнинг ўзидики икки қаҳрамон: ёшгина қиз ва қари кампир қиёфасида пайдо бўлди.

Актриса Москва кино мактабини битирган, бироз вақт Мейерхольд театрида амалиётни ўтади. Қайтиб келганидан кейин эса Мўҳимий номидики мусиқали драма ва комедия театрида ишлай бошлади. 1941 йилдан бошлаб Марям Ёқубова Ҳамза драма театрида фаолиятини давом эттирди. Шу вақтдан бошлаб актрисанинг театр соҳасидики фаолиятида янги давр бошланди. Кетма-кетига актриса иштирокидаги «Ҳалима», «Хўжум» ва «Тор-мор» спектакллари яратилди. У тинимсиз ўз устида ишлар, тўхтовсиз қўшиқ айтиш ва рақс тушишдан ҳам тоймасди.

Кўнлардан бирида бўлиб ўтган воқеа Марямнинг ҳаётида унутилмас лаҳзаларга айланди. Гастролдан қайтган жамоа бир кун ўтиб ўз биносидики «Ҳалима» спектаклини қўйиш арафасида эди. Нима бўлди-ю Марямнинг тоби қочиб, касалхонага олиб кетишди. Бироз вақт ўтиб эса унинг ўғили бўлгани маълум бўлди. Чақалоқ етти кунлик бўлганда Марям жамоаси билан яна гастролга чиқиб кетди. Ташкентга қайтганида эса ўғли олти ойлик бўлган.

Кўп ўтмай Марям Ёқубова яна мусиқали театрда фаолиятини бошлади. Театрда яратилган «Аршин мал алан» спектаклида ўйнаш бошқаларга қараганда Марям учун олам-олам қувонч олиб келарди. Бу спектаклдаги Вали ролини Ҳабиб Саъдиев ижро этганди. У киши ўрта буй, ориқдан келган шу билан бирга яхши раққос ва қўшиқчи эди. Баланд буй, тўладан келган Марям эса ўз қаҳрамини бўлган Зебога янада ҳаётийлик ва жисмоний куч баҳшида этди. Спектакль премьераси кетаётган кунни бўлиб ўтган воқеа томошабинларни янада ларзага солди. Асарнинг хотимасида Султонбек Зебонинг қўлидан тутиб, Валининг олдиға олиб боради. Шу ерда режиссёр Валиға хурсандчилик билан Зебони кўтариб, даврани айлаиб рақс тушишни буюради. Вали режиссёр айтгандек Зебони кўтаришиға ҳаракат қилади. Ҳабиб Саъдиев Марямни ердан кўтаришиға бир уринади, икки уринади бўлмайди. Шунда жўшқин Марям «севғилисининг қўлидан тутганча, даст кўтариб даврада рақс тушишни бошлаб юборади. Томошабинлар бундан қўлидан холдан тўқинланиб Зебо — Марям Ёқубовани олқишлар билан қарши олади.


1962 йилдан Марям Ёқубова кино соҳасида ҳам баракали ижод қила бошлади. Уша йили «Ганга қизи»даги Нобинкали образи актрисанинг нафақат театрда, балки кинода ҳам маҳоратли санъаткор эканлигини кўрсатиб берди. Шўҳрат Аббосовнинг «Маҳаллада дув-дув гап» комедиясидики Ойпошшахон образи эса Марямни ҳақиқий халқ қаҳрамонига айлантирди. У киноюлдуз даражасига кўтарилди. Комедияда Марям бир қараганда меҳрибон, баъзан қатиққўл, бир қараганда бўйсинувчи ва бошқа сафар эса итоаткор киши образини яратди. Бу комедия яна кўп йиллар томошабинларнинг севимли киноси бўлиб қолади.

Марям Ёқубованинг «Утган кунлар»даги Ўзбек ойм образи эса санъаткорга катта омад келтирди. У жиззакки, меҳрибон, ўз хўжасига итоаткорона бўйсинувчи ўзбек аёли, шу билан бирга хўжаси ва ўғлиға ўз хўқмини ўтказишға қодир уй бекаси. Қисқа қилиб айтганда хонлиқлар давридаги ўзбек аёлининг типик вақили. Айнан шу жиҳатларни Марям Ёқубова маҳорат билан очиб бераолди.

Ижодининг сўнгги йилларида Марям Ёқубова театрдан кетди. Унинг овози энди радиода — болалар эртақлари эшиттиришларида янграб бошлади. Марям Ёқубова яратган қаҳрамонлар аллақачон кўпчиликининг қалбидан жой олиб бўлган. Бундан кейин ҳам санъатни севувчи, қадрловчи кишилар қалбида Марям Ёқубова яратган образлар мангу яшаб қолишиға ишонамиз.

Барчиний НИШОНОВА тайёрлади

ЧАЙНВОРД



Тузувчи: Тожиали УМАРОВ

TURFA OLAM, TURFA ODAMLAR

ГЕРЦОГИНЯ «КЎКНОРПОЯ»СИ

Британиа ички ишлар вазири жаноб Дэвид Бланкетт машур Алнуик боғи фондига гиёхванд хўсусиятга эга 50 турдаги ўсимлиқни киши хўқуқини берувчи лицензияни топширди. Шу билан Алнуик қасри ва боғи соҳибаси бўлиши Нортумберленд герцогиняси ўз боғига канопли(наша), галоциногенли қўзқорин ва ҳатто кўкнори киши учун ҳам расмий рўхсат олди.

Гап шундаки, Алнуик қасридаги боғ Европадаги энг йирик ботаника боғларида саналади. «Туманли албион»да эса унга тенг келадигани йўқ: бу ерда 65 мингдан ортиқ турфа ўсимлик ўстирилади. Боғнинг каттагина қисми, герцогиня таъбири билан айтганда «захарли боғ томони» илмий тадиққотлар ўтказиш майдони вазифасини ўтади.

Инглиз маъмуларининг бу тадибирдан нимани қўзлагани маълум эмасу, ҳарқалай мўддао эзгу бўлса керак. Жамиятда ўсимлиқлар дунёсига қизиқишни кучайтириш ёки бўлмаса ботаникага оид илмий кашфиётлар, дегандай.

Айни пайтда Алнуик ботаника боғига келган табиат шайдоларини курулли қўриқчилар қузатиб юришади. Айтиб бўладимиз, келувчилар орасида кўкнорию нашани яқши танийдиган бангилар бўлмайди деб...

ШАВКАТ тайёрлади

HUQUQ yuridik gazeta Ta'rischi: O'zbekiston Respublikasi Bosh...

Bosh muharrir: Abdullolq ABDURAZZOQOV Tahrir hey'ati: Bahridin VALIYEV, Azimjon ERGASHEV...

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'alomov ko'chasi, 66. Telefon: 133-82-34...

Buyurtma G - 165. 9724 nusxada chop etildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahilfandani...

Gazeta «Sharq» NIMK bosmaxonasida ofset usulida chop etiladi. Korxonan manzili: Toshkent shahar...

Gazeta haftaniga chorshanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda...